

Участка сайлов комиссиялари масъуллигига номзодлар учун семинар-тренинглар старт олди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига муносиб тайёргарлик кўриш ва уни намунали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон туманида семинар-тренинг машғулотлари бошланди.

Унда участка сайлов комиссияси раиси, ўринбосар ва котибликка номзодлар иштирок этишмоқда.

Семинар-тренингда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари”, “Маҳаллий кузатувчилар ва ваколатли вакилларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари”, “Сайлов жараёнларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчилари” мавзусида маъruzалар тингланмоқда.





Ўқув семинарининг бугунги биринчи кунида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари Робахон Махмудова, вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси Юсуфжон Камоловлар иштирок этди.

Робахон Махмудова иштирокчиларга юртимизда сайловларни умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва принциплар асосида демократик, очик-ошкора ва шаффоф ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар, сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар ва сайлов тизими ҳақида яна бир бор маълумот берди.



Гурухларга бўлинган холда ўн икки кун давом этадиган семинар-тренинг замонавий ахборот технологиялари ва интерфаол усуллар асосида ўтказилаётган бўлиб, сайловга оид савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар иштирокчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-06-07 18:54:31